



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 26 май, № 105 (4768)

Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БРАЗИЛИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 2009 йилнинг 27-29 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар ақнида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилияга кетаётиб, 26 май кuni Мадрид шаҳрида тўхтаб ўтади ва Испания Қироли Хуан Карлос ҳамда Испания Қиролигининг бошқа расмий шахслари билан учрашади.

**Бразилия Федератив Республикасининг умумий ер майдони 8,5 миллион квадрат километр. У ҳудудининг катталиги жиҳатидан дунёда бешинчи ўринда туради. Латин Америкасида эса энг йирик давлат бўлиб, китанинг деярли ярмини эгаллайди. Бразилия аҳолиси 198,7 миллион кишини ташкил этади.**

## Ўзбекистон — Бразилия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

БМТ таснифига кўра, Бразилия «янги sanoatlashgan davlatlar» гуруҳига кириди. Ялли ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмига кўра, у Латин Америкасида биринчи ўринда туради, sanoatlashgan davlatlar ҳажмига кўра эса, дунёдаги энг йирик ўнта мамлакат қаторига кириди. 2008 йил якунига кўра, ЯИМ ўсиши 5,1 фоизни ташкил этиб,

улуши 23 фоизни ташкил этади. Мамлакатда автомобиль ишлаб чиқаришининг умумий миқдори 2,5 миллиондан ошди. Бразилия нефть ва табиий газ казиб олиш борасида катта тажрибага эга. Жорий йилда «Петробраз» давлат компанияси нефть казиб олиш ҳажми-ни йилга 101 миллион тонна (дунё-да 7-8 ўринга) чиқаришни режалаштирмоқда.

Кишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодий ривожланган тармоғи ҳисобланиб, иқтисодий фаол аҳолининг 30 фоизи шу соҳада ишлайди. Бразилия гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик мамлакатлардан бири саналади. Мамлакатда биш қатор кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилади ва экспорт қилинади. Хусусан, қахва, шакарқамиш, соя, мак-кажўҳори, какао, банан, пахта шўлар жумласидандир.

Бу кўрсаткичлар Латин Америкасидаги ушбу давлатнинг дунё иқтисодий ва иқтисодий ётадиган давлатларга муносабатлари ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳўқуқларини белгилаб берадиган бошқа халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг бирин-бир халқаро ҳўқуқий ҳўжжатида кўзда тутилмаган.

Дейлик, Швейцария давлати Германиядан, Франция эки Голландиядан Рейн дарёси унинг ҳудудидан бошланиши учун пул тўлашни талаб қилишини ақлга сиғдириш қийин. Эки Германия ҳудудидан бошланадиган, Европадаги энг узун Дунай дарёсининг қўйи оқимида жойлашган ўнлаб мамлакатлардан ушбу давлатнинг пул тўлашни та-

### Биз ва жаҳон

да 7-8 ўринга) чиқаришни режалаштирмоқда. Кишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодий ривожланган тармоғи ҳисобланиб, иқтисодий фаол аҳолининг 30 фоизи шу соҳада ишлайди. Бразилия гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик мамлакатлардан бири саналади. Мамлакатда биш қатор кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилади ва экспорт қилинади. Хусусан, қахва, шакарқамиш, соя, мак-кажўҳори, какао, банан, пахта шўлар жумласидандир. Бу кўрсаткичлар Латин Америкасидаги ушбу давлатнинг дунё иқтисодий ва иқтисодий ётадиган давлатларга муносабатлари ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳўқуқларини белгилаб берадиган бошқа халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг бирин-бир халқаро ҳўқуқий ҳўжжатида кўзда тутилмаган. Дейлик, Швейцария давлати Германиядан, Франция эки Голландиядан Рейн дарёси унинг ҳудудидан бошланиши учун пул тўлашни талаб қилишини ақлга сиғдириш қийин. Эки Германия ҳудудидан бошланадиган, Европадаги энг узун Дунай дарёсининг қўйи оқимида жойлашган ўнлаб мамлакатлардан ушбу давлатнинг пул тўлашни та-

## ИСТИҚЛОЛНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДАРИ

Жорий йилда минглаб ўқувчилар мамлакатимиздаги 9 769 та умумтаълим мактабининг шаҳодатномасига эга бўладилар. Қадрдон мактабда сўнгги кўнғироқ жаранглаган кун, мустақил ҳаёт оstonасига қадам кўяётган шогирдларига оппоқ тилаклар билдираётган устозлар ўғити ҳар бир ўғил-қиз қалбига бир умрга муҳрланиб қолмоғи тайин.

### Сўнгги кўнғироқ

ойтахтимиздаги 26-умумтаълим мактабда ҳам «Сўнгги кўнғироқ» тадбири тантанали нишонланди.

— Бўйлари бўйим тенгги навқирон ўғил-қизларимга боқиб, кечагина улар қўлига қалам тутказганим эсимда. Бугун эса уларнинг балагатга етганини кўриб, ўзим ҳам гурурланиб турибман, — дейди мактаб ўқитувчиси Зиёда Ҳақимова. — Айни дамда 105 нафар ўғил-қиз мактабимиз бағридан учирма бўлмоқда. Биз, устоз ва мураббийлар битирувчиларга оқ йўл тилаймиз, ҳар бирлари ўзлари орзу қилган марраларга етиб, илоҳим, юрт ишончини оқлашга қодир шахс бўлиб камолга етсинлар!

Яқунланаётган ўқув йилида мамлакатда жами 703 минг 828 нафар ана шундай шижоатли ёшлар умумтаълим мактабларини тамомлашмоқда. Уларнинг 595 минг 295 нафари тўққизинчи синфни, 108 минг 533 нафари эса ўн биринчи синфни битирадилар.

— Болаликдан архитектор бўлишни орзу қиламан, — дейди Шосардор Мўхаммедов. — Мактабни тамомлагач, Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳўнар коллежига ўқишга кирмоқчиман. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Мутахассислик — сенинг келажагинг» деб номланган кўргазмада қатнашиб, шу коллежда ўқишга аҳд қилдим. Менга бу таълим даргоҳидаги замонавий шарт-шароит, ўқув-ишлаб чиқариш устaxonалари борлиғи, қўшимча тўғрақлар фаолият кўрсатаётганили манзур бўлди.

Еш, навқирон мактаб битирувчиларининг



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

беғубор орзу-ниятларига ҳавас қилсан, киши. Зотан, юртининг эртанги тақдирини ёшлар қўлида. Уларга бўлган ишонч мамлакатнинг ёруғ келажағига, халқнинг фароғатига ишонч бардавонлиғига ишонч демасқир.

Муборак ОХУНОВА «Халқ сўзи» муҳбири.

## ЎЗБЕК МОДЕЛИ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимизда 22 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартотида уни бартараф этишини йўллари ва чоралари» китоби бўйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг 60 мамлакат ва 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтларидан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди. Уза муҳбири анжуман қатнашчиларининг конференция ва юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизиқди.

Чжан НИН, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий Фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё фанлари институти бўлими раҳбари:

### Сўз — конференция иштирокчиларига

катта шарафдир. Конференцияда мазкур асарда илгари сурилган гоғлар юзасидан фикр алмашиш имконига эга бўлди. Дунёда иқтисодий инқироз ҳўжм сураётган шартотида бундай анжуман ташкил этилгани жуда ўринли иш бўлди. Зеро, биз Президент Ислам Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган

беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзбек моделини амалга ошириш улкан натижаларга эришиш имконини берганини ўз кўзимиз билан кўриш шарафига муассар бўлди. Юртингизга ҳар келганимда амалга оширилётган кенг қўламли ўзгаришлардан ҳайратланаман. Қадимий ва

ҳамиша навқирон Самарқандни, бу шаҳардаги жаҳон маданияти дурдоналари — тарихий обидаларни зиёрат қилиш ҳар қандай кишига олам-олам завқ-шавқ бағишлайди.

Сантьяго Руиз МОРАЛЕС, Ўзбекистоннинг Мадриддаги фахрий консули, Клавихо-Амир Темури «Испания — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси президенти:

— Ўзбекистон Президентининг асарига иқтисодий ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришининг асосий тамойиллари ва устозлар вазибалари аниқ белгилаб берилган. Шу билан бирга, бу китобдаги кўрсатмалар

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирикларининг энергетика вазири Мўхаммад бин Зайен ал-Ҳамий раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор вазирилик ва идораларда музокаралар ўтказди.

## САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг раиси Б. Тешабоев билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўлаби жабуаларда, жумладан, ёқил-энергетика соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва БАА давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилган алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилнинг март ойида Бирлашган Араб Амирикларига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди.

Бирлашган Араб Амирикларининг Ўзбекистоннинг Форс кўрфазидagi энг йирик иқтисодий ва сармовий шерикларидандир. Ўзаро иқтисодий муносабатларда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромдларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромд ва капитал солиқларини тулашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармовий

ларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳўжм қилишга оид битимлар икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётгани қайда этилди. — Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирикларининг ўртасидаги алоқалар кўлаби йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани бизни гоғт қувонтиради, — деди Мўхаммад бин Зайен ал-Ҳамий. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонамиз.

Бирлашган Араб Амирикларининг делегацияси Ташки ишлар вазириги, «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўқимёсановат» давлат акциядорлик компаниясида ҳам музокара ўтказди. Делегация аъзолари Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуини зиёрат қилдилар, Темурийлар тарихи давлат музейини бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳўқоқ қўлувчи ноёб экспонатларни кўздан кечирдилар.

Мадина УМАРОВА, Уза муҳбири.

## СУВ ҲАҚИДАГИ СЎЗ ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб сўнгги пайтда минтақавийда кўплаб конференция, симпозиум ва семинарлар бўлиб ўтди. 2009 йил 28 апрель кuni Олмаота шаҳрида Орולי кўтқариш халқаро жағмармаси таъсисчи давлатларининг форумида ҳам минтақавий сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Форумда минтақавий сув ресурсларидан фойдаланишга доир турли фикр ва нуқтаназарлар баён этилди. Трансчегаравий Сирдарё ва Амударё оқимининг юқори ҳамда қўйи қисмида жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олганда, бу табиий ҳол, албатта. Баҳо-мунозаралар давомида ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг айрим вакиллари томонидан трансчегаравий дарёлар сув ресурслари учун муайян шаклда ҳақ ундириш гоғсини илгари суришга уринишлар бўлди. Ҳаттоки, бундай ёндашувни гўё Жаҳон банки ҳам қўллаб-қувватлаши борасида баландпарвоз гаплар айтилди.

Бироқ, ушбу масаланин моҳиятини жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда диққат билан кўриб чиқилса, масалани бу тарзда қўйиш асоссиз экани аён бўлади.

БМТ маълумотларига қараганда, трансчегаравий хавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай ҳудудларда сайё-

рамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилади ва дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Бунда ушбу дарёларнинг қўйи қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларга сув учун пул тўланган ҳолатлар ҳеч қачон кузатилмаган. Бундай ҳолат БМТ ҳамда трансчегаравий сув ресурслари мақоми ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳўқуқларини белгилаб берадиган бошқа халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг бирин-бир халқаро ҳўқуқий ҳўжжатида кўзда тутилмаган.

Дейлик, Швейцария давлати Германиядан, Франция эки Голландиядан Рейн дарёси унинг ҳудудидан бошланиши учун пул тўлашни талаб қилишини ақлга сиғдириш қийин. Эки Германия ҳудудидан бошланадиган, Европадаги энг узун Дунай дарёсининг қўйи оқимида жойлашган ўнлаб мамлакатлардан ушбу давлатнинг пул тўлашни та-

лаб қилишини тасаввур этиб бўладими?..

Энди Жаҳон банкининг сув масаласига ёндашуви ҳақида.

«Марказий Осиёда сув ва энергетика ресурсларининг ўзаро боғлиқлиги, Сирдарё хавзасида минтақавий ҳамкорликни яхшилаш тўғрисида»ги маъруза «ишга тааллуқли мақола» тарзида тайёрланган бўлиб, банкининг минтақавий департаменти мутахассисларидан бирининг имзоси билан электрон шаклда эълон қилинган.

Маълумки, «ишга тааллуқли мақола» — банк ҳодимларининг ўз фикрини ифода этиш шаклидандир бири бўлиб, унга қизиқиш туғилган тақдирдагина, муҳокама мавзусига айланиши мумкин, ҳолос. Дарвоқе, Жаҳон банкига мансуб ушбу бўлимда 14 мингта шўнга ўхшаш материаллар мавжуд бўлиб, улар ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг расмий фикрини ифода этмайди, бор-йўғи унинг айрим ҳодимлари томонидан билдирилган «ёзма ўй-фикрлар»дан бошқа нарса эмас.

Таъкидлаш лозимки, Жаҳон банки низомига мувофиқ, барча таъсисчи мамлакатлар манфаатларини ифода этадиган банк Директорлар кенгаши томонидан маъқулланган қарорларига ушбу банкининг расмий фикри ҳисобланади.

Ҳолбуки, Жаҳон банки президенти Роберт Зеллиннинг матбуотда эълон қилинган (2009 йил, апрель) ва трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланишда халқаро амалиётда қабул қилинган нормалар ва тартибга риоя қилиш, биринчи навбатда, экология ҳамда сув балансини сақлашга оқилона ва эътиёткорлик билан муносабатда бўлиш борасидаги ўта муҳим масалалар ўз ифодасини топаган мактабда кўйидагилар таъкидланган.

«Мен Сизнинг (Ўзбекистон томонининг) минтақавий экологик мувозанатнинг ўта ноқилиғи, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинган, бу трансчегаравий дарёларнинг қўйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узиб-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги ишоотларни лойиҳалаштиришда улар бардо этилаётган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисидаги

фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман».

Шунингдек, у: «Жаҳон банки ошқоралиқни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижаларини тайёр бўла боғани сари Халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқилаверишини» таъкидлаган.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки томонидан Марказий Осиёда сув-энергетика масалалари бўлиб айнан шу асосда янги стратегияни ишлаб чиқиш борасида иш олиб боришмоқда. Бундай позиция 2009 йилнинг 13-14 май кунлари Афғонистон бўйича Исламободда бўлиб ўтган 3-Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясида (RECCA) яна бир бор қўллаб-қувватланди. Унда 24 та асосий донор-мамлакатлар, 18 та халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, БМТ ва унинг асосий тузилмалари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, шунингдек, бошқа етакчи халқаро молия институтлари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан табиий офатдан зарар кўрган Тожикистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Меҳр-оқибат, қўни-қўшни ва дўстларга кўмак бериш, ҳамдард бўлиш халқимизга хос фазилатлардан саналади. Шу кунларда табиий офат — сув тошқинидан жиддий зарар кўрган Тожикистон Республикасига Ўртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ҳўкумати биринчилардан бўлиб беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатгани ҳам бунга далилдир.

Маълумки, шу йилнинг апрель-май ойларида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли Тожикистоннинг қирқдан зиёд шаҳар ва туманлари жиддий таллафот кўрган. Қўлгина турар-жойлар вайрон бўлиб, юзлаб фуқаролар бошпанасиз қол-

ган. Мана шундай оғир вазиятда Тожикистон ҳўкумати барча давлатлар ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилди. Унга жавобан Ўзбекистон ҳўкумати биринчи бўлиб жорий йилнинг 23 май кuni Сурхондарё вилоятининг Сарюсиё темир йўл бекатидан қўшни мамлакатга қурилиш материаллари, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўнлаб палаткалардан иборат 20 вагондан ортиқ инсонпарварлик юқини жўнатди.

— Мамлакатимизда рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этишда ўзининг беғараз ёрдамини

(Давоми 3-бетда).





Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



Ёшлик — инсон умрининг айна гуллаган палласи. Бу даврда, айниқса, гўзаллик ёрқин намоён бўлади. Агар шу навқиронлик спорт шиддати билан уйғунлашса, бундай гўзалликни таърифлашга сўз топиш қийин.

# ГУЛИСТОНДА СПОРТ БАЙРАМИ ШУКУҲИ

Билан чарчамайсизми? деб сўрашди. "Ҳа, ҳали бизнинг Гулистон бунчалик кўҳли, кўркам бўлмаганди. Кўрган кўз кувонади", дея гурур билан кувончларини изҳор қилишди. — Баҳор бизнинг Гулистонга шундай гўзал келишини ҳеч пайқамаган эканман, — дейди Зера Эргашева. — Кўчаларнинг икки тарафини беэган паннолар, зилол сувга чўмилгандай тиниқ баргли дарахтлар, баланд иморатлар пештоқига ўрнатилган байроқлар, ҳаммаси жуда гўзал. Гийҳлар нима бўлибди, оддий тошлар ҳам анвойи бўёқлар билан безатилган. Худди ана шу маҳаббат, кувонч одамларнинг юзу кўзларига кўнгандай. Ҳамма бири-бири билан қўришганда, асосаломан сўнг, ўзаро табрик сўзларини айтаяпти. Ахир, бугун бутун Ўзбекистон Гулистонга қараб турибди. Ҳамма Қаршида ўтган "Умид ниҳоллари — 2008" спорт ўйинларида баъдий гимнастика бўйича иштирок этганман. Ўтган давр мобайнида

тажрибали мураббийлар кўли остида маҳоратини оширдим. Насиб этса, бу сафар янада яхши натижаларга эришаман. Ушбу спорт байрамида иштирок этиш баҳонасида тенгқурларимиз билан танишамиз, дўстлар орттирамиз. Шу орқали ўртаимиздаги ўзаро меҳроқибат тўйғули шаклланади. Бизга мана шундай дўстлик байрамини яратиб бераётган Президентимизга раҳмат. Айтиш жоизки, Гулистонда "Умид ниҳоллари" мусобақалари муносабати билан бунёд этилган спорт мажмуаларининг аксариятида, нафақат мамлакат, балки халқаро микдосдаги мусобақаларни ўтказиш имконияти яратилган. — Бугун вилотимизнинг кекса-ю ёш барча аҳолиси бирдай ҳурсанд, — дейди "Нуроний" жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими раиси Бектурсун Пирматов. — Вилотларда ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинларини телевидение ва матбуот ор-

қали доим кузатиб келамиз. Ўша жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, "Қани эди, биз ҳам ана шу мусобақаларга мезбонлик қилсак", дея орзу қилардик. Шўрқки, орзуларимиз ушадди. Хозир шаҳримизда IV ТИП лойиҳаси асосида қурилган Болалар спорт мажмуаси имкониятларига мутахассислар қўри баҳо беришмоқда. Мажмуадаги ёпиқ сузиш ҳаваси вилотда ягона ҳисобланади. Мутахассисларнинг айтишича, гулистонликларнинг фахри саналган ушбу сузиш ҳавасидаги филтрлаш тизими тўрт соат давомида сувни тўлиқ тозалаш имкониятига эга экан. Бу эса, ҳавзадаги сувдан узоқ вақт фойдаланиш ва уни тежаш имконини беради. Капитал таъмирдан чиқарилган "Алпомиш" спорт маркази ҳам шаҳар кўригига қўқ қўшди. Бу ерда 1600 ўринли очик теннис корти, баскетбол, гандбол, мини-футбол, волейбол ва баъдий гимнастикага мўлжалланган ёпиқ спорт заллари мавжуд. Шу-



## МАДАНИЯТ хабарлари

### Халқ театrlари кўриги

Тадбирда 14 та ҳаваскор ва 9 та кўғирчоқ театри жамоаси қатнашди. Қизиқarli кечган баҳсларда ҳакамлар хайъати Фарғона вилотининг Бешарик тумани Маданият уйи қошидаги халқ театри жамоаси саҳналаштирган "Фирибгар" асарини биринчи ўринга лойиқ, деб топди. Кўғирчоқ театrlари баҳсида биринчилик Фафур Фулом номидаги пойтахт маданият ва истироҳат боғининг "Шумтака" кўғирчоқ театри ва Бухоро вилоти Гиждвон тумани жамоасига насиб этди.

## Санъаткор билан учрашув

Нукус маданият ва санъат коллежида "Ниҳол" муқофоти совриндори, катор халқор танловлар қатнашчиси, иқтидорли ёш пианиночи Элеонора Қутлипулатова билан иккунчи учрашув ўтказилди. — Мамлакатимиз йигит-қизларининг ғайрат-шижоати, истеъдод қирралари бугун ёрқин намоён бўлаётганлиги юксак ҳамўрлик самарасидир, — деди Ф. Шолён номидаги халқор танлов солиби Э. Қутлипулатова. — Хусусан, "Ниҳол", "Келажак овози" каби танловлар иқти-

Дунё микросида грип хасталигининг янги тури — АН1Н1 вируси кенг тарқалгани боис, мамлакатимизда бу борадаги эпидемиологик вазиятнинг олдини олиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Натижада шу кунга қадар юртимиз микросида ушбу хасталик аломатлари қайд этилмади.

## ЛОҚАЙДЛИК ЭМАС, ОГОҲЛИК ЗАРУР

Бироқ бу билан буткул хотиржамликка берилиш ярамайди. Негаки, инсон бор экан, унинг соғлиғига жиддий ҳавф солувчи омиллар ҳам мавжуд. Маълумки, ҳар қандай хасталикнинг олдини олиш учун, энг аввало, унинг келиши ва касаллик аломатлари ҳақида етарли тўшунча ва тасаввурга эга бўлиш даркор. Биланмикси, АН1Н1 гриппининг яширин даври одатдаги мавсумий гриппдан фарқи қилмайди ва бир неча соатдан 2-3 кунгача давом этиши мумкин. Ушбу хасталикнинг бошланғич даври ўткир респиратор инфекцияларни эслатади. Унинг одатдаги гриппдан ягона фарқи шунки, АН1Н1 хасталигига чалинган беморда ўпканинг оғир шаклдаги яллиғланиши билан кечадиган асоратлар кузатилиши мумкин. Ачинарлиси, бу ҳолат аксарият ҳолларда ўлим билан тугайди. Ушбу вирус бемор кишидан соғлом одамларга ҳавотомчи ва маъший-мулоқот қилиш орқали юқиши мумкин. Нафақат грип касаллиги, балки барча турдаги ўткир респиратор касалликларнинг аҳоли орасида кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслиги учун жамоатчилик, хусусан, болалар боғчалари, мактаблар, концерт заллари, иш жойлари, кинотеатрлар, умумий транспорт воситаларида химия никобларидан фойдаланиш керак. Хоналар вақти-вақти билан шамоллатиб ва улар намлик усули билан тозалаш зарур. Дезинфекция учун эса тарқабдида хлор тутуғичи дезоддалар, яъни хлорамин, хлорли оҳак ва бошқа шунга ўхшашан воситалардан фойдаланиш мақсадаги мувофиқдир.

## Эҳтиёт шарт!

Бугунги кунда АН1Н1 гриппининг мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалиб кетиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида Соғлиқ сақлаш вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар иштироки ва савий-ҳаракати билан барча зарур муҳофаза тадбирлари ташкил этилиб, мазкур юмушларнинг изчил ижроси назорат остига олинди. Бинобарин, АН1Н1 вирусининг мамлакатимиз ҳудудига четдан кириб келишига йўл қўймаслиқка қаратилган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши натижада мазкур хавфли вирус таъсирининг олдини олишга эришилмоқда.

Иброҳим МАМАТҚУЛОВ, Соғлиқ сақлаш вазирлигининг, бош эпидемиолог, тиббёт фанлари доктори, профессор.

## Вадим яна шоҳсупада

Познань (Польша) шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Вадим Меньков каноэда 1000 метр масофага булган яқкалик баҳсларида 3:55,246 натижа билан биринчи ўринни қўлга киритди. Канадалик Марк Ольдерсдорп (3:56,714) иккинчи, германиялик Себастьян Бренделд эса (3:57,870) учинчи ўринни эгаллади. Эслатиб ўтамиз, Вадим 6-10 май кунлари Чехиянинг Рачице шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг биринчи босқичида ҳам совриндорлар сафидан жой олган эди.

## Боксчиларимиз ғалабаси

Нуфузли мусобақада дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган 62 нафар "Чарм кулонт" устаси медаллар учун кураш олиб борди. Мураббийларимиз турнирга, асосан, ёш иқтидорли боксчилар билан жўнаб кетишганди. Улар устозлари ишончини оқлашди. 64 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Санжарбек Раҳмонов финалда мезбонларнинг биринчи рақами боксчиси Максим Игнатъевни 11:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳиб бўлди. Баҳром Хидиров (54 кг.) ўз вазн тоифасида бронза медали билан тақдирланди. Таб кўтаришда 127 килограмм, даст кўтаришда 154 килограмм, умумий ҳисобда эса 281 килограмм натижа билан учта кумуш медали совриндори бўлди. О. ЗИЁЕВ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

### ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича

### «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ва «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Манзил	Ишонч телефонлари
Марказий инспекторлик бўлими, 100007, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 32-«А» уй	(8-371) 268-04-50
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, 230100, Нукус шаҳри, Бердақ кўчаси, 177-«А» уй	(8-361) 224-25-04
Андижон вилоти ҳудудий бўлими, 171112, Андижон шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 69-уй	(8-374) 224-35-00
Бухоро вилоти ҳудудий бўлими, 200104, Бухоро шаҳри, Отабой Эшонов кўчаси, 12-уй	(8-365) 223-41-40
Жиззах вилоти ҳудудий бўлими, 130100, Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси, 26-уй	(8-372) 224-49-50
Наманган вилоти ҳудудий бўлими, 160100, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 39-уй	(8-369) 226-57-81
Навоий вилоти ҳудудий бўлими, 210102, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 19-уй	(8-436) 223-40-78
Самарқанд вилоти ҳудудий бўлими, 140100, Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 65-уй	(8-366) 233-63-63
Сурхондарё вилоти ҳудудий бўлими, 190100, Термиз шаҳри, М. Қаҳқор кўчаси, 14-уй	(8-376) 227-45-53
Сирдарё вилоти ҳудудий бўлими, 120601, Гулистон шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 127-уй	(8-367) 225-14-18
Қашқадарё вилоти ҳудудий бўлими, 180100, Қарши шаҳри, А. Темур кўчаси, 43-«А» уй	(8-375) 225-04-01
Фарғона вилоти ҳудудий бўлими, 150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 52-уй	(8-373) 224-97-78
Хоразм вилоти ҳудудий бўлими, 230618, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй	(8-362) 226-63-29
Тошкент вилоти ҳудудий бўлими, 100007, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 32-«А» уй	(8-371) 267-84-89
Тошкент шаҳри ҳудудий бўлими, 100007, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 32-«А» уй	(8-371) 268-09-49

«Очиқ эшиклар куни» хар ҳафтанинг жума кунинда ўтказилади. «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

## САЛОМАТЛИК НАЗОРАТИ

Истиқлол йилларига амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижа-сида бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мунтазам назорат қилишнинг самарали тизими яратилди.



Жойларда фаолият кўрсатаётган тиббий меҳнат-эксперт комиссияларининг ҳам бу борадаги фаолияти эътирофга сазовор. Айтиш мумкин, бу йилда мамлакатимизда 16 та шундай комиссия иш олиб борапти. Улар томонидан фуқароларимиз тиббий қўриқдан ўтказилиб, ногирон деб топилган кишилар реабилитация марказларида даволаниш учун тавсия қилинмоқда. Шунингдек, тиббий меҳнат-эксперт комиссиялари хулосалари асосида бундай юрtdошларимиз протез-ортопедия воситалари билан таъминланмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар 3-сонли тиббий меҳнат-эксперт комиссияси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 650 нафарга яқин киши тиббий қўриқдан ўтказилиб, зарур муолажалар олишлари учун амалий ёрдам қўрсатилди.

## ОБ-ҲАВО (26 май)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилотлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилотлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилади. Харорат кечаси 11-16, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Харорат кечаси 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси доценти Феруза Муҳитдинова онаси Турсунои МУҲИТДИНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.  
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида териди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
[Тижорат материаллари]  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. Якуни — 21.00 Топширилди — 23.15  
• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Холматов.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳатчи — Ш. Машраббеов.